

Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2021 йил
8 январь,
жума
№ 1 (826)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2021 йил 6 январь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенат аъзолари томонидан 5 та масала, шу жумладан, 3 та қонун муҳокама қилинди.

Ялпи мажлисда сенаторлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ўтган йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда бу йилги вазифалар тўғрисида атрафлича тўхталиб ўтди. Айниқса, 2020 йилда пандемия ва бошқа табиий офатлар сабабли юзага келган мураккаб шароитга қарамастан, қатор халқаро ташкилотлар баҳосига кўра Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ижобий ўсишни сақлаб қолган камдан-кам давлатлар қаторида жой олгани аҳамиятга молик.

Шу маънода айтиш мумкинки, Мурожаатномада Президентимиз давлат ва жамиятини янада ривожлантириш билан боғлиқ энг асосий йўналишлар, барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хусусан, Олий Мажлис юқори палатасининг қатор устувор вазифаларини белгилаб берди.

Мурожаатномада келтирилган чоратadbирларнинг ҳуқуқий асосларини яратиб бериш, барча соҳаларда қонун устуворлигини, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг, айниса, бюджет (республика ва маҳаллий) бажарилишини жойларда сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича парламент томонидан самарали назорат ўрнатиш, уларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш асосий вазифалардан биридир.

Қайд этилганидек, мазкур вазифаларнинг жойлардаги ижроси Сенатнинг тегишли қўмиталари, қолаверса, ҳудудлардаги ҳар бир сенатор ва маҳаллий Кенгашларнинг диққат марказида бўлиши керак.

Шу билан бирга, камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усулларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш, Сенат-

нинг тегишли қўмитаси ва Сенат девонининг масъул таркибий бўлиналари билан биргаликда ушбу вазифани амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

Хусусан, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик корпуси билан бирга аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни манзилли ўрганиб бориш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш, бу борадаги ўрганишлар ва таҳлилларни янада кучайтириш мўҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Мажлисда таъкидланганидек, жорий йилда Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссияга раислик қилиш Сенатга ўтади. Шу боис, Комиссия фаолиятини янада кучайтириш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мурожаатномада маҳаллий Кенгашлар фаолиятига доир бир қатор масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилгани, қўллаб-қувватлаш халқ вакилларига берилган таъкидланди.

Шу боис маҳаллий Кенгашлар жорий йилда бугунги кунгача маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитиб бориш, маҳаллий бюджет ижросига масъулият билан ёндашиш, ҳар бир туман ва шаҳарда камбағалликни қисқартириш бўйича ишлаб чиқилаётган манзилли дастурнинг ижроси бўйича ҳисоботни эшитиб, муҳокама қилиб бориш, "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари" бўйича чора-таadbирлар дастурларининг ижросига жиддий эътибор қаратиш, ҳар бир депутат ўзи сайланган ҳудуд аҳолиси, сайловчилари билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиши, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиши зарурлигига тўхталиб ўтилди.

Яна бир жиҳат. Мурожаатномада Сенат Раиси раҳбарлигида Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашини ташкил этиш лозимлиги белгилангани, мазкур Кенгаш мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ва давлат бошқарувидаги мавқеини янада оширишга қаратилган ялпитизим яратишга масъул бўлиши, Кенгашнинг асосий вазифаси жамиятда аёллар мавқеини ошириш, уларнинг муаммоларини пухта ўрганиш, хотин-қизларни қийнаётган қўллаб-қувватлаш-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топиш, уларни "темир дафтар" ва "аёллар дафтари"дан

чиқаришга кўмак бериши билдирилди. Сенатнинг масъул қўмитаси мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши, жумладан, Кенгашнинг низоми, вазифалари, ишлаш тартиби ва иш режалари шакллантирилишини мувофиқлаштириб бориши лозимлиги қайд этилди.

Мажлисда Мурожаатноманинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва долзарблигидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Сенатнинг Харақатлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Шу маънода, Сенат Раиси ўринбосари раҳбарлигида Ишчи гуруҳ тузилиб, Харақатлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиши кераклиги билдирилди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра Сенат аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилди.

Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топтиришда одил судлов алоҳида ўрин тутишини эътиборга олган ҳолда сўнги тўрт йилда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ этишга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий-ташкилий чора-таadbирлар амалга оширилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида йиллар давомида ечим топмаган муаммолар масалаларни ҳал қилиш борасида Президентимизнинг ўндан ортиқ фармон ва қарорлари ҳамда парламент томонидан одил судлов сифати ва самардорлигини оширишга қаратилган учта кодекс янгидан қабул қилиниб, қатор қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қайд этиш жоизки, мазкур Қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантикий давомидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-таadbирлар тўғрисида"ги фармони суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги босқинини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратди.

Мазкур фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган қонунга асосан суд қарорларининг қону-

нийлиги, асослилиги ва адолатлилигини қайта кўриб чиқиш тартибини илгор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида суд тизимида 2021 йил 1 январдан бошлаб:

вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юришти турлари бўйича алоҳида судлов хайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умум-юрисдикция судларини ташкил этиш; маъмурий тартиб-таомиллар ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманларо маъмурий судларини ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши назарда тутилган.

Шуларга асосан суд тизимида ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилаётганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши суд тизимини бошқариш масалаларининг такомиллаштирилиши, вилоят ва унга тенглаштирилган судларни ташкилий, молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга эришиш билан бир қаторда, энг аввало, фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлиб юришига барҳам бериб, уларнинг муаммосининг бир жойда ҳал қилиниши имконини беради.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги, ҳамда "Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари муҳокама қилиниб, сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенати Кенгашнинг қарорлари ҳам тасдиқланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

Қ А Р О Р И

2020 йил 19 декабрь

№ 36

Тошкент шаҳри

Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида

Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиётида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, судлар томонидан мазкур масалага доир қонун ҳужжатлари тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, иқтисодий ишлар бўйича суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуни (бундан буён матнда "Давлат божи тўғрисида"ги Қонун деб юрилади) 3-моддасининг би-

ринчи қисмига мувофиқ, давлат божи деганда, юридик аҳамиятга молик харажатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай харажатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундирилган мажбурий тўлов тушунилади.

(Давоми 3-бетда) ►

Қонун моҳияти

Ер кодексига киритилган ўзгартиришлар

мулкдорлар ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган

Кейинги йилларда мамлакатимизда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Лекин баъзи жойларда ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда ижроси таъминланмаган.



Бунинг исботини маъмурий судлар томонидан маҳаллий ҳокимликларнинг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топилган доир 2020 йилнинг 9 ойи давомида кўрилган жами 2 минг 422 та иш мисолида ҳам кўриш мумкин.

Энг муҳими, судлар томонидан бу аризаларнинг 1 миң 110 таси ёки 45,8 фоизи қаноатлантирилган.

Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан 17 та масала, шу жумладан, 6 та қонун муҳокама қилинди.

(Давоми 3-бетда) ►

Ҳаётда кўпинча ўзимиз гувоҳ бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳақида тегишли органларга хабар беришга, ҳатто у жиноят бўлса ҳам, ўзимизча "ор" қиламиз. Аслида, ҳар қандай мамлакатда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда нафақат давлат органлари, балки ҳар бир фуқаронинг иштироки муҳим аҳамиятга эга.



Мезон

Ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беринг!

сиз бу саъй-ҳаракатингиз билан фуқаролик бурчингизни бажариб, қонуностуворлигини таъминлашга ҳисса қўласиз

Ҳуқуқбузарлик ҳақида аҳоли томонидан хабар берилишининг энг яхши томонларидан бири шундаки, бундай ҳолатда тегишли орган ҳуқуқбузарлик содир этган фуқарони, у ким бўлиши қатъи назар, жазога тортишга мажбур бўлади. Яъни бунда таниш-билишчилик қилиб жазодан қутулиб кетиш эҳтимоли жуда ҳам паст бўлади.

Бунинг тасдиғини йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларини бузган шахслар мисолида кўриб турибмиз. Шу сабабдан сўнги йилларда, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ҳам айрим соҳаларда ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган фуқароларни рағбатлантириш механизми жорий

этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маиший ва қурилиш қиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-таadbирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, 2021 йил 1 январдан бошлаб аҳоли томонидан Давлат экология қўмитасининг интернет тармоғидаги махсус ахборот тизими-га экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосуратлар ва видео ёзувларни юборган шахслар ҳуқуқбузардан ундирилган жариманинг ўн беш фоизи миқдориди пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

(Давоми 4-бетда) ►

Муносабат

Мурожаатнома — инсонпарварлик ва адолат тамойилларига асосланган ҳужжат

2020 йил 29 декабрь янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган кун сифатида ўзинга хос из қолдириди. Шу кун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга навбатдаги тўртинчи Мурожаатномасини тақдим этди. Халқимиз томонидан юксак хайрихоҳлик билан кутиб олинган ушбу Мурожаатномада давлат ва жамият тараққиётида стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Унда тараққиётимизнинг янги босқичида устувор мақсад сифатида белгиланган ҳар томонлама ривожланган, эркин ва фаровон, замонавий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий нуқта-назардан жуда кўплаб гоёлар илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари деярли барча маъруза ва чиқишларида, халқимиз билан ўтказиладиган очиқ мулоқотларида алоҳида тўхталиб ўтадиган



Холмўмин ЁДГОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси:

— Янги жамият бошқарувида ўзига хос аънаанага айланган давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга ва у орқали

Ўзбекистон халқига йўллайдиган Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрда тўртинчи марта янгради.

Мантикий изчилликка асосланган ва бир-бирини тўлдириб бораётган барча Мурожаатномаларнинг туб негизиде инсон, унинг манфаатларини таъминлаш, фаровонлигини ошириб бориш сингари ИН-СОНПАРВАР гоёлар мўжассам.

Бу йилги Мурожаатнома ўтган йиллардан фарқли равишда, мураккаб бир даврга тўғри келмоқда. Гап шундаки, айни пайтда бутун дунёда рўй бераётган туб ўзгаришлар, тобора мураккаблашиб бораётган геосиёсий вазият, аллақачон глобал тус олиб улгурган пан-

Давра суҳбати масала, яъни қонун устуворлигини таъминлаш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликларини иншончли ҳимоя қилиш лозимлигига яна бир марта эътибор қаратиб, қуйидаги фикрларни билдирди: "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар янги йилда ҳам изчил давом эттирилади".

Шубҳасиз, инсон манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш керакки, Мурожаатнома судьялар ва суд тизими ходимларига ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди.

Қуйида эътиборингизга тақдим этилаётган давра суҳбатида судьяларнинг бу йилги Мурожаатномада илгари сурилган гоёлар ва унда белгиланган вазифалар борасидаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

лат мустақиллигининг 30 йиллигида амалга оширишимиз лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб берди.

Қайд этилганидек, бу қўлгў байрам "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" деган эзгу гоя асосида нишонланади. Мана шу эзгу гоя замирида Мурожаатноманинг бутун моҳияти ўз аксини топган. Демак, бугунгидай мураккаб бир шароитда давлат ва жамиятни барқарор ривожлантириш фақат инсоннинг эркинлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириб бориш орқали таъминланади.

Давлатимиз раҳбари ушбу Мурожаатномада ҳам яна бир марта АДОЛАТ ҳақида тўхталиб,

уни "давлатчиликнинг мустақам пойдевори" деб атаб, уни таъминлашда эса, суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллашини алоҳида таъкидлади. Бу бутун судьялар ҳамжамиятига, суд тизими ходимлари зиммасига жуда катта масъулият ва юксак вазифалар юклаганини алоҳида қайд этиш керак.

Бунинг учун биринчи навбатда, судьяларимиз нафақат профессионал касб фаолиятини амалга оширишда, балки кундалик турмушида ҳам "Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат ва дилида поклик устувор бўлиши шарт", — деган ҳаётий шиорга қатъий амал қилишлари шарт.

(Давоми 2-бетда) ►

Муносабат

Мурожаатнома — инсонпарварлик ва адолат тамойилларига асосланган ҳужжат

Давра суҳбати

◀ (Бошланғич 1-бетда)

Мурожаатномада Президентимиз "янгиланган бошлар жорий этиладиган **"бир суд — бир инстанция"** тамойили суд қарорларининг адолатли, қонуни ва барқарорлигини таъминлашда бош мезон бўлиши лозим"лиги тўғрисидаги вазифани кўйдилар. Яъни туманларо, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибда, апелляция тартибда кўрилган суд қарорларини эса, Олий суд томонидан кассация тартибда қайта кўриб чиқиш, кассация тартибда кўриб чиқилган ишлар бўйича суд қарорларини эса, Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари тақдимида кўра, кассация тартибда тақдоран кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Мурожаатномада белгиланган вазифалар ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун деган инсонпарвар ғоянинг ҳаётий ифодасини топтиришга асос бўлади.

Пировардида, тақдор бўлса ҳам айтиш керак: судья — одил судловчи амалга ошириш — ҳар бир ишнинг адолатли ҳал этишда ўзини вояга етказган, ҳам билим ва мартаба берган ўз халқи олдидаги шахсан жавобгарлиги ва масъулигини доим ёдда тутиши зарур.



Тал'атжон МЕЛИБОВ,
Олий суд судьяси:

— Бу йилги Мурожаатнома бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солган пандемия ва унинг оқибатида вужудга келган чучук иқтисодий инқироз шароитида йўлдан. Лекин мана шундай катта синовларни келтирган мураккаб бир даврда Мурожаатномада таъкидланганидек, "Республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Жумладан, "Навоий-азот" да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суьултирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди. Биргина энергетика соҳасида хоржий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга. Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ва илк бор 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди."

Бу рақамлар мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик ва адолатпарварлик сиёсатидан далолат беради.

Энди бевосита адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш масаласига келадиган бўлсак, айтиш керакки, Мурожаатномада бежизга "бу борада ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп" дея таъкидланмади. Сабаби, суд ҳимоясини таъминлашдаги ортқча бюрократик тўсиқлар, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини тақдорловчи босқичлари мажбуриятли суд амалиётида баъзи бир камчиликларни келтириб чиқараётган эди. Масалан, 2019 йилда вилоят судлари қабул қилган 13 мингта шундай қарор Олий суд томонидан ўзгартирилган ва бекор қилинган. Мурожаатномада таъкидланганидек, 2021 йил 1 январдан бошлаб бир-бирини тақдорловчи суд босқичлари қисқартирилади. Яъни одил судловга хос бўлмаган ишларни назорат тартибда кўриш суд процессларининг узоқ чўзилишига, фуқароларнинг судма-суд овора бўлишига, судларда иш ҳажмининг асосиз ва мақсадсиз ортишига,

қолаверса, фуқароларни ҳақли эътирозлари юзга келишига сабаб бўлади. Шу муносабат билан назорат инстанцияси институтини бекор қилиш ва кассация инстанциясининг ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Олий судида фаолият кўрсатган ҳолда ўтказиш йўли билан ислох қилиш назарда тутилмоқда. Ўрни келганда айтиш керакки, бу одил судлов борасидаги халқаро стандартларга ҳам тўла мос келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян 2019 йилда мамлакатимизга амалга оширган ташрифи чоғидаги учрашувларда ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, судларда ишларни "назорат тартибда кўриш" институтини бекор қилиш бўйича ўз тавсиясини билдирган эди.

Шулардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг бу йилги Мурожаатномасида қонун устуворлигини таъминлашда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, судьяларнинг адолатли қарорлар чиқаришига тўққонлик қиладиган ҳолатларга барҳам бериш лозимлиги яна бир бор эътироф этилди.



Ўктам ХОЛИҚОВ,
жиноят ишлари бўйича
Зангиота тумани судининг раиси:

— Аввало шуни таъкидлашни истардимки, Президентимизнинг бу йилги Мурожаатномаси дунёдаги жуда кўплаб экспертларнинг юксак эътиборига сазовор бўлмоқда. Сабаби, юқорида ҳаммасларимиз томонидан айтиб ўтилганидек, Мурожаатнома том маънода инсонпарварлик ғоялари билан сугорилган. Бунинг исботи сифатида унда келтириб ўтилган қуйидаги статистик маълумотларга эътиборларингизни қаратмоқчиман. "**Қиска муддатда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда барча шароитларга эга бўлган қарийб 30 минг ўриллиқ долаш масканлари ташкил этилди. Улар зарур дори-дармон, ҳимоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилди. Хориждан 600 мингдан ортқч ватандошларимиз юртимизга оlib келинди. Чет элда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди. Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамгарма ташкил этилиш, коронавирга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортқч маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди."**

Дарҳақиқат, Мурожаатномада суд тизимини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш борасида ҳам бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, "**янгиланган бошлаб фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари бўйича вилоят даражасидаги 3 та судлар битта суд сифатида бирлаштирилди. Бу янгилик аҳоли ва тадбиркорларга катта қулайликларни яратди.**" Шу кунгача бўлган амалиёт таҳлил этиладиган бўлса, ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қиладиган фуқаролар ва та-

биркорлар низолашаётган масала қайси судга тааллуқли эканлиги борасида бир қатор мураккабликларга дуч келаётган эди. Баъзи бир ҳолатларда фуқаролик ишлари бўйича судлардан маъмурий судларга, маъмурий судлардан иқтисодий судларга қайта-қайта мурожаат қилиш ҳолатлари учраб туради. Табиийки, бу сарсонгарчилик низолашаётган фуқароларга қўшимча зарба бўлиб, уларнинг судларга бўлган ишончига путур етказётганди. Фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалда таъминлаш билан боғлиқ муҳим муаммага алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий иқтисослашувини сақлаб қолган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш белгиланди.

Бу сўнгги йилларда суд тизимида амалга оширилган ислохотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилинишида ижобий натижаларга олиб келади.



Дилмурод ДАВЛЕТОВ,
Қўнғирот туман иқтисодий судининг судьяси:

— Мурожаатномада илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар Асосий Қомусимизнинг 14-моддасидаги "**Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади**" деб белгиланган конституциявий меъёрларга ҳамоханлиги билан ҳам алоҳида эътиборга молик. Ушбу конституциявий қоидаларнинг ҳаётий ифодаси жуда кўп жиҳатдан суд органлари фаолияти самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу боис давлатимиз раҳбари Мурожаатномада суд соҳасини ислох этиш юзасидан бир қатор принципал масалаларни ўртага ташлади ва аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиёт юксалишининг энг муҳим омилларидан бири инвестициялар жалб этилишидир. Айниқса, пандемия келтириб чиқарган глобал иқтисодий инқироз шароитида бу ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Инвестициявий жозибадорлиқнинг оширилиши эса, иқтисодий ривожланиш истиқболлини белгилаб беради.

2020 йил 30 июнь кун Президентимиз раислигида ўтказилган одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида бу масалага алоҳида тўхталиб, биргина 2019 йил давомида иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибда кўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортқчи, яъни 44 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилганлиги, ҳар икки шикоятдан бири бўйича туман ва вилоят иқтисодий суди чиқарган қарорлар юқори судда ўзгарётгани, бунинг натижасида тадбиркор ва инвесторлар сарсон бўлаётгани танқид қилиб ўтилганди. "**Бир нарсани билгинлар — сармоя киритаётган инвестор биринчи навбатда ўз ҳуқуқларини суд орқали кафолатли ҳимоя қилинишига эътибор беради**", дея таъкидлаганди давлатимиз раҳбари. Мурожаатномада бу муҳим масала яна бир бор қайд этилиб, инвесторлар ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низолаш ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилганлиги қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида **йирик инвесторлар** иштирокидаги инвестициявий низолашнинг ҳамда рақобатга оид

ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби — инвестициявий таркиб зиммасига йирик инвесторларнинг (20 миллион АҚШ долларидан ортқч инвестиция киритган) ва давлат органлари ўртасидаги инвестициявий низолашнинг ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш вазифаси юклатилди.

Эндиликда мамлакатимиздаги йирик инвесторлар ўз хоҳишига кўра, бевосита инвестициявий таркибга ёки умумий тартибда бошқа қуйи тизим судларига мурожаат қилиш, бошқа инвесторлар эса, ўз хоҳишига кўра, бевосита Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судига ёки умумий тартибда бошқа қуйи тизим судларига мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди.

Олий суд тизимида инвестициявий таркибининг ташкил этилиши инвесторлар ўртасидаги низолашнинг бир суд даражасида қиска муддатда ҳал қилиш имконини беради ҳамда инвесторларнинг турли суд инстанцияларига сарсон бўлмасликларини кафолатлайди.



Шаҳзод БАХТИЁРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қашқадарё вилояти судининг судьяси:

— Юқорида ҳаммасларимизнинг "**бу йилги Мурожаатнома тўлиқ инсонпарварлик ғоялари билан сугорилган**" деган фикрлари асослигини қуйидагилар ҳам яққол кўрсатиб турибди: "**Халқаро стандартлардан келиб чиқиб, 25 та манзил-колониалар босқичма-босқич қисқартирилиши, бундан буён биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсга берилган жазо энгилроғи билан алмаштирилса, у манзил-колониаларга ўтказилмасдан, тўғридан-тўғри пробация назоратига олиш тизимини жорий қилиш лозим**". Бу ўзини гап, аввало, инсонпарварлик ҳақида кетмоқда. Демак, бу орқали жиноий жазоларни ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллашга қаратилган ишлар давом эттирилишига уруғ берилмоқда. Қийсий таққослаш учун бу борадаги рақамларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тизимнинг мамлакатимизда жорий қилиниши натижасида ҳисобга олинган назоратдаги 61 053 нафар шахснинг 85 фоизи, яъни 51 790 нафари тузалаш йўлига ўтишига эришилган. Яъни тизим ўзининг дастлабки ижобий натижасини бермоқда. Мамлакатимиздаги инсонпарварлик сиёсатининг асосий мақсади ҳам кеңирлиги бўлиш орқали шахснинг Ватанга, жамиятга бўлган муносабатини ўзгартириш ва жамиятга ўз ўрнини топиши учун шароит яратиш бериш ҳисобланади.

Жазони энгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган **инсонпарварлик комиссиялари**га ўтказилиши ҳақидаги таклифлар ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, содир этилган жиноят оқибатида жабр тортадиган ҳар бир оила ва унинг аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган ўғил-қизларнинг келгуси тақдирини ҳамда уларнинг келажагини турли салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишга мустаҳкам замин яратди.

Шунингдек, Мурожаатномада жазо тизимини либераллаштирилиши муносабати билан 2020 йилда жиноят содир қилган 74 фоиз шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланганлиги, халқимизнинг инсонпарварлик, бағрикенглик, кеңиримлилик каби ўзига хос қадриятларининг чин маънодаги юксак намунаси сифатида жиноят содир қилган 616 нафар шахс афв этилганлиги, 719 шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарил-

ганлиги эътироф қилинди.

Инсон манфаатлари ва яна бир бор инсон манфаатлари ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланганлиги халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф қилинмоқда. Ўзбекистон илк бор БМТнинг "Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши" аъзолигига қабул қилинганлиги бунга амалий мисол бўла олади.



Мухаммад ҚАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек тумани судининг судьяси:

— Мурожаатномада инсон манфаатларини амалда ҳимоя қилиш нуқтаи назардан қўйилган муҳим вазифалардан яна бири қуйидагича баён этилди: "**Олий Мажлис палаталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан икки ой муддатда ўз таклифларини ишлаб чиқиши зарур. Бунда Омбудсман томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига "мониторинг ташрифлари" тизими йўлга қўйилиши керак. Олий Мажлис палаталари ҳар йили Омбудсманнинг қийноқларнинг олдини олиш бўйича маърузасини эшитиб, бу иллатга бутунлай барҳам бериш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш лозим**".

Минг афсусли, тергов органлари фаолиятида баъзи бир хато-камчиликлар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлиги оқибатида жиддий муаммолар келиб чиқмоқда. Жумладан, ўтган йили оммавий ахборот воситаларида ижтимоий тармоқларда кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинган Андижон шаҳар ва Чироқчи туман ички ишлар идораларида фожиали ҳолатлар содир бўлди. Ушбу аянчли воқеаларга давлатимиз раҳбари ҳам кескин муносабат билдириб, суд-тергов органлари раҳбарлари бундан тегишли хулосалар чиқаришлари кераклигини қайд этди. Бугунги кунда ушбу воқеаларга алоқадор 11 нафар ички ишлар ходимлари қонун олдида жавоб бермоқда. 7 нафар раҳбар лавозимдан озод этилди, яна 16 таси интизомий жавобгарликка тортилган.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги "**Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**" ги Фармони қабул қилиниб, унда шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадриятимизни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш масаласи қатъий белгиланди.

Мурожаатномада белгиланган вазифалар жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг масъулиятини янада ошириш, пировард натижада инсон ҳуқуқла-

рини ишончли ҳимоя қилинишини мустаҳкамлайди.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, "**Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзоллаш биз барпо этиётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусияти**"га айланди.



Дусмурод ТОШЕВ,
Тошкент шаҳар
Тошкент туманларо
маъмурий судининг судьяси:

— Мурожаатнома янги жамиятни ҳар томонлама янада ривожлантириш учун барча соҳа ва тармоқларга стратегик аҳамиятга эга бўлган истиқболли ғояларни татбиқ этиш орқали кўп миллатли халқимиз турмуш даражасини оширишда муҳим дастуриламал ҳужжат ҳисобланади.

Унда бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда суд органлари фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ вазифалар ҳам белгилаб берилди. Жумладан, суд тизимида рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, фуқароларга суд биносига келиб юрмасдан, "онлайн" тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилиши, шунингдек, фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши имконияти яратилиши хусусида тўхталиб ўтилди.

Бугунги амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги жуда шиддатли ахборот алмашинуви даврида судлар ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари бугунги ахборот ва коммуникация технологияларининг юксак тараққиёти шароитида судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш ҳам талаб этилади.

Очик, эркин фуқаролик жамияти шароитида суднинг рақамлаштирилиши шу жамият аъзолари учун жуда кўплаб қулайликлар яратиш беради. Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган том маънодаги тарихий суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини очиб бериш, бугунги суд тизими тўғрисидаги кенг қамровли таҳлилий ахборотларни аҳолига ўз вақтида тақдим этиш, суд-ҳуқуқ соҳаси бўйича жамият эҳтиёжларини ишончли, холис, тезкор маълумотлар билан қондириш айна манша шу механизмларнинг ривожланган даражаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Суд органлари фаолиятининг рақамлаштирилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини судда ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний талабларини ўз вақтида кўриб чиқиш, ҳар қандай иш бўйича асосли ва адолатли суд ҳужжатларини чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Рақамлаштириш мамлакатимиз тараққиёти бугунги босқичининг энг асосий талабларидан бири бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, жумладан, суд тизими фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга асос яратади.

Зеро, замонавий демократик давлат ва очик, эркин фуқаролик жамияти ҳаётида адолатни қарор топтириш суд идораларини орқали амалга оширилган экан, суд органлари фаолиятини рақамлаштириш долзарб аҳамият касб этаверади.

Давра суҳбатида иштирок этган судьяларнинг фикр-мулоҳазаларини умумлаштириб айтадиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам, давлатимиз раҳбарининг ушбу Мурожаатномасида белгиланган вазифалар, илгари сурилган ҳаётий ғоя ва ташаббуслар халқимиз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларга мустаҳкам замин яратди. Зеро, бунда халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги сазй-ҳаракатлари катта таянч бўлиши, шубҳасиздир.

Давра суҳбатини
Арслон ЭШМУРОВОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

Қ А Р О Р И

Иқтисодий ишлар бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти тўғрисида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Давлат божи бошқа мажбурий тўловлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши туфайли, судлар иқтисодий ишлар бўйича давлат божи ундиришга доир қонун талабларига сўзсиз риоя этиши шарт.

3. Тушунтирилсинки, иқтисодий ишлар бўйича давлат божи қуйдагилардан ундирилади:

1) судларга бериладиган даъво аризаларидан;

2) ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан;

3) низо предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга киришиш ҳақидаги аризалардан;

4) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалардан;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш ҳақидаги аризалардан;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан;

7) чет давлат судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризалардан;

8) апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан: а) иқтисодий судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан;

б) иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвонинг кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан;

в) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ажримлар устидан;

г) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳақидаги ажримлар устидан;

д) чет давлат судининг (арбитражининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажримлар устидан;

9) суд ҳужжатларининг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун.

Шунингдек, давлат божи даъво миқдорини кўпайтириш ва суд бўйруғини бериш тўғрисидаги аризалардан ҳам ундирилади.

Иш ҳужжатларидан фотонусха кўчириш учун давлат божи ундирилмайди.

4. Иқтисодий ишлар бўйича давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юртилади) 12-боби ва "Давлат божи тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади.

5. Давлат божи даъво аризаси (ариза), шикоят судга берилгунга қадар тўланади, агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса (масалан, тўловчи давлат божини тўлашдан овоз қилинган ёки суд давлат божи тўлашни кечиктирган бўлса).

Давлат божи нақд пулсиз шаклда тўланганлиги факти банкнинг тўлов қабул қилинганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланиши шарт. Давлат божи нақд пул шаклида тўланганлиги

факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция билан тасдиқланиши керак.

Агар муайян судда кўрилиши керак бўлган бир нечта даъво аризалари (аризалар) бўйича давлат божи битта тўлов топшириқномаси билан тўланган бўлса, тўлов топшириқномаси ишлардан бирига илова қилинади.

Қолган ишларга судья томонидан тўлов топшириқномаси санаси ва рақами кўрсатилган ҳамда тўлов топшириқномаси кўшиб қўйилган ишга ҳавола қилинган ҳолда давлат божи тўланганлиги тўғрисида белги қўйилади (маълумотнома тузилади).

Мазкур қоида почта ҳаражатларига нисбатан ҳам қўлланади.

6. Шунингдек, тутиш лозимки, тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдори даъвогар (аризачи) судга мурожаат қилаётган талабининг турига қараб, қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича аниқланади.

Бир нечта мустақил талаблардан иборат бўлган даъво аризаларидан (аризалардан) давлат божи ҳар бир талаб бўйича, ушбу талаб учун белгиланган тегишли ставкалар бўйича алоҳида ундирилади.

ИПК 139-моддасига кўра, суд бўйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдоридан давлат божи тўланади.

Судларга тушунтирилсинки, суд бўйруғини бериш тўғрисидаги ариза бўйича тўланадиган (ундирилмаган) давлат божини миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмашлиги лозим, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари суд бўйруғини бериш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган ҳолда эса, тўланадиган давлат божининг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизидан кам бўлмашлиги керак.

7. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, "Давлат божи тўғрисида"ги Қонун 19-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисига кўра, қарши даъво аризаларидан, шунингдек, учинчи шахсларнинг ишга мустақил талаблар билан кириш ҳақидаги аризалардан давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Ишга киришган даъвогар (аризачи)нинг ҳуқуқий ворисидан давлат божи, агар у муқаддам тўланмаган бўлса, умумий асосларда ундирилади.

8. Даъво аризаси (ариза) бир неча шахс томонидан биргаликда тақдим этилганда, давлат божи мазкур турдаги талаб учун белгиланган миқдордан ошмаслиги лозим.

Бирлаштирилган бир ёки бир неча талаблар суд томонидан алоҳида иш юритишга ажратилганда, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди. У алоҳида ажратилган иш юритиш бўйича ҳисобга олинади, бу ҳақда судья томонидан тегишли маълумотнома тузилади ва иш материалларига қўшиб қўйилади.

9. Суд томонидан кўрмасдан қолдирилган даъво аризаси (ариза) такроран берилганда давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади.

Агар даъво аризаси (ариза) кўрмасдан қолдирилганлиги муносабати билан давлат божи қайтарилиши керак бўлса-ю, лекин қайтарилмаса, агар давлат божи бюджетга ўтказилган қонунда эътиборан фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво мuddати тугамаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат такроран берилган аризага илова қилиниши мумкин ("Давлат божи тўғрисида"ги Қонун 19-моддасининг бешинчи қисми).

Мазкур норма қайтарилишига сабаб бўлган камчиликларни бартараф этилиб қайта топширилган даъво аризаларига (аризаларга) нисбатан ҳам қўлланади.

10. Судга давлат божи тўланмаган даъво аризаси (ариза) келиб тушганда, судья қонун бўйича давлат божини тўлашдан овоз қилинган шахслар рўйхатида даъвогар (аризачи) кириши ёки кирмаслигини текшириши шарт ("Давлат божи тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддаси). Агар даъвогар (аризачи) қонунга кўра, давлат божини тўлашдан овоз қилинмаган бўлса ва аризада уни тўлашни кечиктириш ҳақида илтимоснома мавжуд бўлмаса, шунингдек, почта ҳаражатлари тўланмаганда, судья тўланиши лозим бўлган давлат божи, почта ҳаражатлари суммасини ҳамда ушбу камчилик бартараф қилингандан сўнг даъвогар (аризачи)нинг умумий тартибда такроран мурожаат қилиш ҳуқуқини кўрсатган ҳолда даъво аризасини (аризани) қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради (ИПК 155-моддаси).

Қонун бўйича судья давлат божини тўлашдан тўлиқ ёки қисман овоз этиш ҳуқуқига эга эмаслигини назарда тутиш лозим. Бироқ, даъвогар (аризачи)нинг, хусусан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахснинг мулкӣ аҳволдан келиб чиқиб, судья давлат божини тўлашни кечиктириш масаласини ҳал қилишга ҳақли ("Давлат божи тўғрисида"ги Қонун 19-моддасининг йигирма еттинчи қисми).

11. Ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсдан давлат фойдасига ундирилмаган давлат божини кечиктириш масаласини ҳал қилишда, суд уларнинг бу ҳаражатларни қисман ёки бир йўла тўлашга пул маблағлари бўлмаганлигини тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги далилларни текшириши лозим. Пул маблағларининг бўлмаганлиги тўғрисидаги банкнинг тасдиғи судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан уч қон олдинги сана билан қайд этилган бўлиши лозим.

12. Судларга тушунтирилсинки, давлат божини қайтариш асослари "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида назарда тутилган бўлиб, унинг маъносига кўра, давлат божи қонунда талаб қилингандан ортиқча миқдорда тўланган бўлса, шу ортиқча тўланган қисми, бошқа ҳолларда эса тўлиқ ҳажмда қайтарилади.

13. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, иқтисодий ишни кўриш билан боғлиқ чикимларга:

гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар; далилларни жойида кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар;

суд тайинлаган экспертизани ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар; суд хабарномаларини ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта ҳаражатлари;

суд мажлисини видео-конференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатлар; ишни кўриш билан боғлиқ бошқа ҳаражатлар ки-ради.

Судларнинг эътибори суд чикимларини тўлашдан овоз этиш қонунда назарда тутилмаганлигига қаратилсин.

14. Суд чикимларининг тараф (тарафлар) томонидан олдиндан киритилмаганлиги гувоҳни, эксперти, мутахассисни чақириш, жойига бориб кўздан кечириш ҳақида қилинган илтимосномани, агар бу тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқлаш учун зарур бўлса, қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолда ишни кўриш билан боғлиқ сарф қилинган чикимлар, ИПК 118-моддасида белгиланган қоидалар бўйича суд ҳужжати қабул қилинаётганда ундирилади.

15. Тушунтирилсинки, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги кейинчалик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган "Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга ҳаражатларни тўлаш тартиби ва миқдори ҳақида"ги Қонуни билан белгиланган.

16. Умумий қоидага кўра, иш бўйича суд ҳаражатларини низода ноҳақ бўлиб чиққан тараф тўлайди.

Суд ҳаражатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш ва уларни давлат фойдасига ундириш ИПК 118-моддаси билан тартибга солинади. Шу сабабли суд муҳокамаси жараёнида суд (судья) суд ҳаражатлари билан боғлиқ ҳолатларни текшириши, бу ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорини асослантирувчи қисмида тегишли хулосалар қилиши ва, нафақат ундирувга бўлган ҳуқуқни, балки иш бўйича тарафдан (тарафлардан) ундирилиши лозим бўлган аниқ суммани белгилаши ҳамда шу суммани ҳал қилув қарорининг (ажримнинг, қарорнинг) хулоса қисмида кўрсатиши лозим.

17. Даъвогар (аризачи) тўлашдан белгиланган тартибда овоз қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан овоз қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган талаблар миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан давлат даромадига ундирилади.

Давлат божини тўлашдан овоз этилган бир ёки бир нечта даъвогар (аризачи) томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилган даъво аризаси (ариза) тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, у давлат фойдасига ҳар бир жавобгардан алоҳида қаноатлантирилган талабларга мутаносиб равишда ундирилади.

Даъво аризаси (ариза) қаноатлантирилган ҳолда даъвогар (аризачи)нинг

тегишли илтимосномаси мавжуд бўлгандагина, суд ҳаражатлари унинг зиммасига юклатилиши мумкин.

Давлат божи тўлашдан овоз қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатида киритган даъво аризалари (аризалар) кўрмасдан қолдирилганда ёки иш юритиш тугатилганда давлат божи манфаати кўзла-ниб даъво киритилган даъвогарлардан ундирилади, бунда "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасига кўра, даъво кўрмасдан қолдирилган ёки иш юритиш тугатилган ҳоллар мустасно.

18. Тушунтирилсинки, даъвогар (аризачи) арз қилган талабларидан воз кечганда у қилган ҳаражатларнинг ўрни жавобгар томонидан қопланмайди.

Давлат божини тўлашдан овоз қилинган даъвогар (аризачи) ўз талабларидан улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги оқибатида воз кечганлиги сабабли иш юритиш тугатилган ҳолда, давлат божи жавобгардан давлат даромадига ундирилади.

19. ИПК 189-моддасига кўра, суд ҳаражатлари масаласига доир қўшимча ҳал қилув қарори фақат, бу масала ҳал қилув қарори чиқариш вақтида ечилмаган ҳолдагина чиқарилиши мумкин.

20. Судларга тушунтирилсинки, давлат божи билан боғлиқ масалалар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан умумий асосларда шикоят (протест) берилиши мумкин.

Агар апелляция, кассация ва назорат шикояти берилганда суд ҳужжати-нинг фақат ундириш ёки ундиришни рад этиш қисми шикоят қилинаётган бўлса, давлат божи низолашилаётган суммадан келиб чиқиб ҳисобланади.

21. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, "Давлат божи тўғрисида"ги Қонун 9-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар (2, 20, 21-бандларида кўрсатилган шахслардан ташқари) суд ҳужжатлари устидан апелляция, кассация, назорат шикояти билан мурожаат қилганда давлат божидан овоз этилган.

Апелляция, кассация ва назорат шикоятдан воз кечилганлиги сабабли, шикоят кўрмасдан қолдирилганда ёки иш юритиш тугатилганда, тўланган давлат божи қайтарилмайди, агар шикоят беришда давлат божи тўланмаган бўлса, давлат божи шикоят берган шахсдан ундирилади.

22. Ҳуқори инстанция судлари иқтисодий ишларни апелляция, кассация, назорат тартибда кўриш вақтида кўпи инстанция судлари томонидан суд ҳаражатларини ундиришда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш чораларини кўриши лозим.

23. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари давлат солиқ хизмати органлари билан биргаликда давлат божи тушумлари ҳисобга олин-шини вақти-вақти билан таққослаш ўтказиши, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини амалга ошириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Пленум котиби, Олий суд судьяси

К. КАМИЛОВ

И. АЛИМОВ

Қонун моҳияти

Ер кодексига киритилган ўзгартиришлар

мулкдорлар ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу қонунлар орасида "Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада қучай-тирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам бор эди.

Мазкур қонун билан "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларга ҳамда Ер кодексига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Айтиш кераки, ушбу янги қонун 2020 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва расмий эълон қилинган кундан бошлаб қучга кирди.

Янги қонун билан амалга киритилган ўзгартиришга кўра, ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилувчи қоидалар назарда тутилган Ер кодексининг 36-моддаси тўртинчи қисми ҳамда 38-моддаси янги тахрирда баён этилди.

Бундан кўзланган мақсад, биринчи навбатда, ер участкаси ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ҳокимлар томонидан олиб қўйилишига тақиқ белгилаш эди.

Қонунга киритилган янги нормага асосан, ер участкаси ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги бўлган тақдирда ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши-лари қарорига ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга ошириладиган

бўлди.

Мазкур янги қонун қучга киргунига қадар ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда, ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда ва шу каби 11 та ҳолатда тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилган

Энди эса, ер эгаларининг ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ёхуд ундан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилиш аксарият ҳолатларда суд томонидан амалга оширилади.

Қонунга киритилган ўзгартиришларга қура, туман, шаҳар, вилоят ҳокимларининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи фақатгина тўртта ҳолатда, яъни:

- ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда;
- ер участкаси берилган муддат тугаганда;
- юридик шахс тугатилганда;

• хизматда фойдаланиш учун ер беришга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда тугатилиши мумкин.

Мазкур янги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида мулкдорлар ҳуқуқлари, уларни ўз мулкига бўлган мулк ҳуқуқидан асоссиз равишда маҳрум этишдан химоя қилиш қарорлари мустаҳкамланади.

Қолаверса, ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарларининг ўрни, давлат томонидан тўлиқ қопланади.

Акмал МУРОДОВ, Навоий вилояти маъмурий судининг раиси

Жиноят ва жазо

Товламачилик ва фирибгарлик

бир тоифадаги икки жиноятдир

Маълумки, Жиноят кодексининг 164-169-моддаларини ўз ичига олган X-боби "Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш" деб номланади. Асосан, ҳалол меҳнатга бўй тоб бермайдиган, бировнинг ҳаққидан қўрқмайдиган қимсалар ана шундай жиноятларга қўл уришда. Афсуски, кейинги пайтларда айни тоифадаги қилмишлар тез-тез кўзга ташланиб қолмоқда.

Товламачи эр-хотин Учкўприк туманида яшовчи, муқаддам Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан айбдор деб топилган Самариддин Жумаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) шаръий никоҳидаги рафиқаси Хумора Адхамжонова билан бирга иккинчи маротаба жиноят кўчасига кирди.

Гап шундаки, Хумора анчадан буён шу туманда яшовчи Муҳаббат Асадуллаева билан таниш эди. Аммо жорий йилнинг ўрталарида у Муҳаббатнинг Самариддин билан теле-фонда гаплашиб, пинҳона учрашиб юрганидан хабар то-

пади. Бинобарин, Х.Адхамжонова М.Асадуллаеванинг талон-торож қилиш ҳақида бўйлайди ва 2020 йилнинг 7 июль куни бу муддаосига эришди ҳам.


Аввалдан тузилган жиндий режага кўра, ўша куни соат 17³⁰ ларда С.Жумаев ўзининг "Нексия" русумли автомашинасида М.Асадуллаева билан бирга Учкўприк тумани, Тўқсонқовун қишлоғи томон кетаётган эди. Шунда Хумора автомашина йўлини тўсиб қичиб, гўёки ўзини рашк қилаётгандек кўрсатади.

(Давоми 4-бетда) ▶

Мезон

Хуқуқбузарликлар ҳақида хабар беринг!

сиз бу саъй-ҳаракатингиз билан фуқаролик бурчингизни бажариб, қонуностиворлигини таъминлашига ҳисса қўяси



◀ (Бошланиши 1-бетда)
Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 сентябрдаги қарори билан "Жисмоний ва юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар, шунингдек, видеоқўзғатув ва тасвирга олиш техника воситалари ҳамда мобил қурилмалар орқали қайд этилган хуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди.

Ушбу Низомга кўра, хуқуқбузарлик ҳолатлари акс этирилган видеоезувларни "ejanima.uz" веб-сайти орқали ички ишлар органларига юборган шахслар хуқуқбузардан ундирилган жарима ҳисобланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш фоизи миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги қарори билан "Коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмақлашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Низомга кўра, коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахслар бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Бошқа соҳаларда ҳам хуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тартибини жорий қилиш режалари мавжуд.

Масалан, Давлат солиқ қўмитаси томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳофазаси порталига жойлаштирилган "Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ва хуфиёна икти-содий фаолиятни амалга ошириш фактларини аниқлашда ёрдам берган шахсларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор лойиҳасида солиққа оид хуқуқбузарликларни аниқлашда ёрдам берган шахсларни пул маблағлари билан рағбатлантириш назарда ту-

тилган.
Кези келганда шуну айтиш керакки, бир қатор хорижий давлатларда хуқуқбузарликларга қарши курашда жамоатчилик иштирокини таъминлаш мақсадида "whistleblowing" институти жорий қилинган. Ушбу институтининг қисқача мазмуни хуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришдир.

"Whistleblower" (сўзма-сўз таржимаси "хуштак чалувчи") — бу давлат идораси, жамоат, хусусий ёки тижорат ташкилоти ходимлари томонидан содир этилган фурибгарлик ёки бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни фош қилувчи фаол фуқаро ҳисобланади.

Бундай хабарчилар хуқуқбузарликлар ҳақида ёки муайян ташкилотнинг ичида ёхуд ташкарига, яъни инспекторлар, хуқуқни муҳофаза қилиш органлари, оммавий ахборот воситалари ёки манфаатдор шахсларга хабар беради.

Хорижий мамлакатларда "Whistleblowing" жиноятчилик ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмақлашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Низомга кўра, коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахслар бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Хусусан, Японияда 2004 йилда қабул қилинган "Whistleblower"ни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун билан хуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи "Whistleblower"ларни ҳимоя қилиш ҳамда бошқа ишчиларга нисбатан давлат ва хусусий сектор ташкилотлари раҳбарлари томонидан камситадиган муносабатда бўлиш тақиқланган.

Руминияда 2004 йилдан буюн "Whistleblower" тўғрисида"ги махсус қонун мавжуд. Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари таркибида қонун бузилишини ошқор қиладиган шахсларни ҳимоя қилиш ҳақида кенг қамровли ҳужжатди. Мазкур қонуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат муассасала-

ри ва бошқа жамоат бирлашмаларида қонун бузилишлари ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишдир.

Сингапур давлатининг "Whistleblower"ни ҳимоя қилиш борасидаги қонунларининг аксарияти мақсадли маълумот берувчилар гуруҳини ҳимоя қилади. Масалан, "Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида"ги қонун коррупция ҳақида хабар берганларни ҳимоя қилади.

Шахсининг иш жойидаги умумий хуқуқбузарликлар ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар берувчилар "Иш жойидаги хавфсизлик ва соғлиқ тўғрисида"ги қонунга мувофиқ ҳимоя қилинади. Шунингдек, гиёҳванд моддалар савдоси, терроризмининг молялаштириш ва рақобат масалалари бўйича махсус хабар берувчиларни ўз ичига олган алоҳида қонунлар мавжуд.

Босния ва Герцеговинада ҳуқуқмат ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг икки йиллик саъй-ҳаракатлари натижасида 2013 йил декабр ойида "Whistleblower"ни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун бир овоздан қабул қилинди. Қонун коррупция тўғрисида хабар бериш пайтида расмий сирларни ошқор қиладиган давлат ходимларини ҳимоя қилади.

Босния ва Герцеговинада ушбу қонун кучга кирганидан буюн 22 минг нафар ходим ишлайдиган 77 та вазирлик ва бошқа давлат институтларининг 95 фоизга яқинига ички хабар берувчи тартиб-таомиллар ўрнатилди. Шунингдек, қўшимча равишда веб-сайтлар орқали хабар бериш имконияти яратилди.

Сербия парламенти 2014 йил 25 ноябрда қабул қилган "Whistleblower"ларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун 2015 йил 5 июндан кучга кирди. Қонун хуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи шахслар ҳамда уларга алоқадор бўлган шахсларни ҳам ҳимоя қилади.

Ўз навбатида, қонунчиликда иш берувчилар зиммасига "Whistleblower"лар масаласида махсус мажбуриятлар юклан-

ган. Хусусан, ҳар бир иш берувчи ушбу қонунда назарда тутилган хуқуқларни тўғрисида барча ишлайётган шахсларни ёзма равишда хабардор қилиши ва агар иш берувчида ўндан ортиқ ходим бўлса, хуқуқбузарликлар ҳақида ички хабар беришни тартибга солувчи ички актни қабул қилиши шарт.

Бундан ташқари иш берувчилардан қонунбузарликлар ҳақида хабар берганларни ҳимоя қилиш, шунингдек, тақдим этилган маълумотларга нисбатан аниқланган қонунбузарликларни ўз ваколатлари доирасида бар-тароф этиш чораларини кўриш талаб этилади. Иш берувчида "Whistleblower"га қарши фаол ёки ҳаракатсиз равишда зарарли хатти-ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

Қонунга кўра, одатда, иш берувчида ёки ваколатли давлат органига хабар беришдан олдин маълумотни ошқор қилиш ноқонуний ҳисобланади.

Иш берувчида ёки ваколатли давлат органига олдиндан хабар бермасдан жамоат хабар берувчиларига (Public whistleblowing) фақат истисно ҳолатларда — агар катта миқдордаги зарар, етказилишидан аҳоли саломатлиги, хавфсизлиги ёки атроф-муҳит учун хавф туғилса, шунингдек, далилларни йўқ қилиш хавфи юзгага келса, йўл қўйилади.

Шунингдек, бошқа хорижий мамлакатларда ҳам давлат тизими ва хусусий секторда турли хил жиноятчилик, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни фош қилиш мақсадида фуқароларни рағбатлантириш усулидан фойдаланилади.

АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада ва Жанубий Корея давлатлари қонунчилигида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизми си-фатида коррупцияга оид хуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш тартиби белгиланган.

Америка Қўшма Штатларининг 1986 йилдаги фурибгарликлар тўғрисидаги федерал қонунига кўра, бюджет маблағ-

ларига оид фурибгарлик ҳолатлари ҳақида хабардор бўлган шахслар давлат манфаатларини кўзлаб, даъво аризаси билан судга муурожаат қилиши мумкин. Ушбу ҳолатда даъво берувчи шахс умумий даъво миқдорининг 15 фоизидан — 25 фоизигача улуш билан суд томонидан рағбатлантирилади.

АҚШда, шунингдек, амалдаги қонунларга кўра, молия бозори иштирокчисининг ҳар қандай хуқуқбузарликлари ҳақида хабар берган шахс ушбу хуқуқбузарлик учун суд томонидан белгиланган жарима миқдорининг 10 фоизидан — 30 фоизигача мукофот пули олиши мумкин.

Россия Федерациясининг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган "Полиция тўғрисида"ги Федерал қонунда шахсни полицияга жиноятни очишда ишончли маълумотларни тақдим этганлиги ва айбдорларни қамоққа олишда ёрдам берганлиги учун рағбатлантириш назарда тутилган.

Украина қонунчилигида 2019 йилда коррупция фактлари тўғрисида хабар берадиган "фош этувчи" тушунчаси киритилган. Шахс хуқуқбузарликлар тўғрисида аноним равишда коррупциянинг олдини олиш миллий агентлигига ишонч телефон ёки электрон почта орқали хабар бериши мумкин.

Қонунчиликка кўра, агар коррупцияга оид фактдан давлатга етказилган пора ёки зарар миқдори қамидо энг кам иш ҳақи миқдорининг беш минг бараварини ташкил қилса, у маълумот учун пул мукофоти талаб қилиши мумкин. Хабарчиларга бепул юридик ёрдам, ҳаёт ва соғлиққа таҳдид бўлган тақдирда ҳимоя қилиш, адвокат учун харажатларни қоплаш кафолатланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш чораларини кўриш белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф қилишда жамоатчилик иштироки кенгайтирилиши, хуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш рағбатлантирилиши бу иллатларнинг бартараф этилишига, қонун устуворлиги ишончли таъминлинишига хизмат қилади.

Равшан НУРМАТОВ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги хуқуқий сиёсат тадқиқот институти маъсул ходими

Бу воқеа рўй берганига ҳали кўп вақт бўлмади. Байрам баҳонасида акалари ва жиянларини хонадонига тақлиф қилиб, меҳмоннавозлик қилган Тоҳир Саломов (исм-шарифлар ўзгартирилган) шу кунни мастлик оқибатида акасининг ўғли Шавкатнинг қотилига айланиши етти ухлаб, тушига ҳам кирмаган эди. Аммо мастлик оқибатида шундай фожиа рўй берди.

Ғижоият ва жазо

Ғожиата айланган зиёрат



Уша кун эрталабдан бош-қонга беланиб ланган меҳмондорчилик ачинарлиси, шифокорларнинг кўрсатган тез тиббий ёрдамларига қарамай, Шавкат кўп қон йўқотгани туфайли шифохонада ҳаётдан кўз юмди.

Узоқ давом этган суриштирув ва тергов жараёнида Тоҳир Саломов ичкилик оқибатида қотиллик жиноятини содир этгани ўз тасдиғини топди.

Суд ҳайъати судланувчи Тоҳир Саломовга нисбатан Ғижоият кодексининг тегишли модда ва бандларини қўллаб, узоқ муддатли қамоқ жазосини тайинлади.

Ғижоият қонунини қўллашда яраша қонуний жазосини олди. Аммо ичкилик касрида икки оила парокандаликка юз тутди. Унинг жабрини ҳали воёга етмаган бегуноҳ болалар ҳам тортади. Бундан-да ачинарлиси, қавму-қариндош, жигарлар ўртасидаги оқибатда дарз кетди. Ке-чаги ака-укалар, яқинлар бугунга келиб ётлашди, бир-бирлари билан юз кўрмайдиган бўлиб қо-лишди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, муқаддас китобларда ҳам инсонга зарар келтирувчи ҳар бир нарса, айнқиқса, улуг неъмат аталмиш ақлни заифлаштирувчи спиртли ичимлик ҳаром ҳисобланиши қайд этилган.

Боиси, ичкиликка рўжу қўйиш инсоннинг қалбини қорайтирадиган, уни ақлдан бегона қиладиган иллатдир. Бу иллатга ўз вақтида чек қўйилмаса, унинг асорати оқорда гувоҳ бўлганингиз каби оғир оқибатларга олиб келиши аниқ.

Шундай экан, ҳаётда бундай иллатлардан узоқ юриши, соғлом турмуш тарзига риоа этиш тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик гарови эканини доимо ёдда тутиш лозим.

Мазкур мақолани ёзишдан асл муддао ҳам шу.

Ғамид БОБОҚУЛОВ, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг судьяси Абдунаби БОБОЁРОВ, "Куч — адолатда" мухбири

◀ (Бошланиши 3-бетда)

— Ға, бу йигит мендан беш юз доллар олиб, сенга сарфлаб юрган экан-да, — дея у шахсий "Samsung Galaxy G-2" русумли телефон апарати билан иккаласини видеотасвирга туширади. Лекин Самариддин унга лом-мим демая, ўзини хотинининг олдида тили қисилгандек кўрсатиб ўтираверади. Шу боис, "рашқчи хотин" Мухаббатга шарт қўяди: — Агар беш юз доллар бермасанг, шу видеони ҳўжайининг ва яқин қариндошларингга кўрсатиб, шармандангни чиқараман.

Қисқаси, у товламачилик йўли билан эртаси кун соат 12⁰⁰ ларда М. Асадуллаевдан 4.073.892 сўмга тенг бўлган 400 АҚШ долларини қўлга киритади. Сўнгра 200 АҚШ долларини Самариддинга бериб, қолганини ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборади. Бироқ эр-хотин товламачилар бу билан қаноатланишмайди, яна янги жиноий режа тузишади. Шу жиноий режага кўра, 2020 йилнинг 9 июль кунини Х.Адхамжонована яна Мухаббатга кўнғироқ қилади.

— Яна беш юз доллар берасиз. Йўқса, кечаги видеони эрингизга кўрсатаман. Ана унда оилангиз бузилди, деяверинг, — деб кўрқитади.

Бу воқеалар жараёнида Мухаббат Асадуллаева Хумора С.Жумаевни қизғонаётган эмас, балки эр-хотин бирга товламачилик қилаётганини сезиб қолади. Бинобарин, у шу кунгёқ Учқўприк тумани ИИБ бошлиғи номига ариза билан муурожаат қилиб, Самариддин ва Хуморага қонуний чора кўришни сўрайди. Пировадидда ушбу ҳолат юзасидан дарҳол махсус тадбир ўтказилади. Оқибатда судланувчи Х.Адхамжонована Учқўприк тумани Қақир қишлоғи ҳудудида М.Асадуллаевдан қиммий ишлов берилган 500 АҚШ долларини олаётган вақтида ушланади.

Фурибгар ўқитувчи

Риштон туманида яшовчи Шукуржон Искандаров (исм-шарифлар ўзгарти-

рилган) шу ҳудуддаги 43-умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишласа-да, муқаддам икки мартаба фурибгарликка кўл урганди. Бинобарин, иккинчи жинояти учун тайинланган ахлоқ тузатиш иши жазосини ўтаётганда. Шунга қарамай, у учинчи мартаба ҳам фурибгарлик жиноятини содир этди.

Анқиқроғи, 2019 йилнинг июль ойида Риштон тумани "Марказ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Деҳқон бозори"да Заррагул Курбонова би-

Ғижоият ва жазо

Товламачилик ва фурибгарлик

бир тоифадаги икки жиноятдир



лан учрашиб қолади. Қарасаки, аёл соддагина кўринади. Шу боис у "эски ҳунари"ни ишга солиб, уни аврашга тушади.

— Бозордагидан анча арзон нархда пахта ёғи олиб келиб бераман. Сотиб кўп фойда қилишингиз мумкин, — дейди у озғини тўлдириб.

Кейин эса, аёлнинг ишончини қозониш учун 2020 йил май ойига қадар бозор нархидан салгина арзон нархда пахта ёғи келтириб бериб туради. Натижада З.Курбонова кўпроқ мақдорда ўсимлик ёғи сотиб олиш мақсадида 1.000 АҚШ доллари ва 46.100.000 сўмни унинг қўлига тутқазади. Анчадан буюн шуни кўтиб юрган Шукуржон эса, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборади.

Бундан ташқари Ш.Искандаров 2019

йил 7 октябрь кунини яна Заррагулни чўв туширади.

— Илтимоос, менинг номимга "Артел" телевизор ва "Артел" кир ювиш машинаси олиб берсангиз. Пулини охиригача тўлаб қўяман, — дея уни алдайди.

Шунга биноан, З.Курбонова Марказ маҳалласида жойлашган "Райҳона Мадинабону сервис" хусусий корхонасидан 1.450.000 сўмлик "Артел 32" русумли телевизор ва нархи 1.120.000 сўмлик "Артел ТЕ60" кир ювиш машинасини

қўлига тутқазади.

Буни қарангки, Ш.Искандаров 2019 йил ноябрь ойининг охирида З.Курбоновани тўртинчи мартаба лақиллатди. Яъни "Худудгаз Фаргона" маъсулияти чекланган жамияти Риштон тумани филиалида ишловчи танишлари орқали унга у донна пропан газ баллонини олиб беришини айтади. Бунинг эвазига аёлнинг 350.000 сўмини санаб олади.

Лекин унинг қуюқ ваъдаси сароблигича қолиб кетади. Негаки, фурибгар аллақачон пулларни шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборганди.

Бундан ташқари Шукуржон Искандаров 2020 йил май ойида Риштон тумани Юқори Бешкапа маҳалласида жойлашган "Ниҳол фэйз" оилавий корхонаси савдо дўконида Элбек Мухаммаджоновнинг ишончига кириб, ҳар бирининг нархи 39.500 сўмдан бўлган 100 донна, жами қиймати 4.350.000 сўмлик ўсимлик ёғини қарнга олиб кетади. Кейин эса, маҳсулотнинг ҳар бирини Заррагулга 30.000 сўмдан сотиб, ҳар галгидек пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлайди.

Албатта, "Ғижоиятга жазо муқаррар" деганларидек, охир-оқибат "қаҳрамон"ларимизга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Уларнинг қирқдорлари жиноят ишлари бўйича Риштон тумани суди томонидан кўриб чиқилиб, айбдорларга қонуний жазолар тайинланди. Жазо тайинлашда Самариддин Жумаев ва Шукуржон Искандаровларга аввалги жинояти учун тайинланган жазоларнинг ўталаман қисми ҳам инобатга олинди.

Хулоса ва мулоҳаза ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳаётда биронинг ҳаққи ҳеч қачон иккинчи бир шахсга буюрмайди. Шундай экан, бу ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Умиджон МЕҒМОНАЛИЕВ, жиноят ишлари бўйича Риштон тумани судининг раиси Хуршид СУЛТОНОВ, "Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бощи муҳаррир: Шодикул ҒАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҒРИР ҒАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ Робохон МАХМУДОВА Икрам МУСЛИМОВ Холмўмин ЁДГОРОВ Бахтиёр ИСАКОВ Светлана АРТИКОВА

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҒАМРОЕВ Саҳифаловчи: Шерзод ҒАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрқон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-115 Қоғоз бичими: А-2. Ғажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7319. 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 21⁰⁰.